



ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 12-iyun, payshanba, 23 (551)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

СЎЗ — ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА



Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар энг талабчан харидорга ҳам манзур бўлмоқда

«Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференция иштирокчилари ЎзА мухбирлари билан суҳбатда мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги ва озик-овқат саноати ривожини, бунинг аҳоли фаровонлиги ва саломатлигини таъминлашдаги ўрни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Жоао БРЕДА, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Овқатланиш, жисмоний фаоллик ва семизлик бўйича дастури раҳбари:

— Президент Ислам Каримов ўз нутқида таъкидлаганидек, инсон саломатлиги, унинг узоқ ва барқалиб умр кўриши тўғрисида турли рақсон асосида овқатланишни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ. Мева ва сабзавотлар унинг энг муҳим таркибий қисми бўлиши лозим. Ўзбекистонда аҳолини юқори сифатли озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган эътиборга молик. Озик-овқат маҳсулотларини тайёрлашда экологик тоза технологиялардан фойдаланиш лозим. Меваларнинг инсон саломатлиги учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва турли фойдали биологик моддаларга бой. Бугун сайёрамиз аҳолисининг етти физик норационал овқатланиш тарзи туфайли семизлик дардига йўлиққан. Вазнининг ортби кетиши оқибатида кўплаб инсонлар айни навқирон ёшида турли хасталикларга чалинмоқда. Буларнинг олдини олиш учун болаликдан тиббий маданиятни шакллантириш, тўғри ва рақсон овқатланиш қоидаларини болалар онгига чуқур синдириш лозим. Ўзбекистонда аҳоли уртасида соғлом турмуш тарзини кенг ёйиш, спортни, жусусан, болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар алоҳида эътиборга сазовор. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишда амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий лойиҳалар кўлами янада кенгайиб бораётгани таъсирга лойиқ.

2 >>>

«ДИПЛОМ БИЛАН — БИЗНЕСГА»

Иновацион гоиларга ундаётган лойиҳа

Ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратиш келажакка сармоя киритиш билан баробар эканлиги бугун барчага аён. О'зЛиДеРнинг навқирон авлод вакилларига ана шундай имконият яратиш мақсадида ўтказилган партиявий тадбирлари орасида «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси айни йўналишга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис унинг нуфузи тобора ошиб бораётган.


Яқинда мазкур лойиҳанинг Тошкент шаҳридаги туманлар босқичи ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда юксак савияда ташкил этилди. Пойтахтда тахсил олаётган 200 дан зиёд талаба иштирок этган тадбирлар давомида ёшларга бизнес-режа тузиш шартлари, кредитни расмийлаштириш тартиби билан боғлиқ мавзулар бўйича агрофлича маълумотлар берилди. Ўқув-семинарлар якунида энг муносиб деб топилган 50 та бизнес-режа сараланиб, шаҳар босқичида катнашини учун тавсия этилди.

4 >>>

ИХТИРО

Қизилмиядан — оқ целлюлоза

Мамлакатимиз олимлари қозоғ саноатида ишлаб чиқарилган хом ашё — целлюлоза олишининг янги усулини ихтиро қилдилар. Интеллектуал мулк агентлигининг хабар беришича, Д. Набиев, И.Набиева, Ҳ. Бобождонова ва Ф.Шоҳидовдан иборат тадқиқотчилар қизилмия ўсимлиги илдизидан целлюлоза олиш усулини тажрибада синаб кўрган, бу ихтирони тегишли тартибда патентлаб қўйдилар. Эътиборлиси, нафийётчилар экологик тоза маҳсулот — юқори сифатли оқ целлюлозани қизилмия илдизининг чинқиндисидан олишга муваффақ бўлганлар. Шу ўринда қизилмия юртимизнинг шимолий худудлари, яъни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кўп етиштирилишини айтиб ўтиш жоиз.



6 >>>

Меҳнатсевар ва мard халқ — ютуқларнинг бош омили



Солмак ЭОИР олган суратлар

О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг кеча бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистонда Озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқидан келиб чиқадиган партиявий вазифалар муҳокама қилинди

Йиғилишда алоҳида таъкидланганидек, шу йилнинг 5-6 июнь кунлари бўлиб ўтган йирик анжуманида кўплаб хорижий давлатлар, 20 дан ортик нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, 200 дан зиёд етакчи эксперт, мамлакатимизда фаолият кўрсатётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этгани унинг пақадар кенг камровлиги ва долзарблигини далил қилиб беради.

— Бу конференция дунёда озик-овқат маҳсулотларига талаб ошиб бораётган ҳозирги шароитда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва

рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланган кишлоқ хўжалиги ҳамда қайта ишлаш саноатини тараққий эттириш, озик-овқат дастурини амалга ошириш борасида эришилган ютуқларни ўрганиш, жаҳон ҳамжамиятини ана шу муваффақиятлар билан яқиндан таништиришга бағишлангани билан айниқса аҳамият-лидир, — деди О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Соҳижон Турдиев. — Таъбир ҳоқ бўлса, Юртбошимизнинг тарихий воқеа бўлган тадбирнинг очилиш маросимидаги ну-

ткини пақадат биз, балки чет-эллик олимлар ҳам катта қизиқ-қиш ва зўр ҳаяжон билан тинг-ладилар. Зеро, маърузада хар то-монлама чуқур ва батафсил тах-лил этилган барча маълумотлар, кўрсаткич ва рақамлар озик-ов-қат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилган ис-лохотларнинг амалий натижаси-дир.

Ушбу маърузани О'зЛиДеР учун дастуриламал ҳужжат, де-сақ хар томонлама тўғри бўла-ди. Чунки унда мамлакатимиз-да ва бугун дунёда озик-овқат ишлаб чиқаришни жадаллаш-

тириш, тизимни модернизаци-ялаш, экологик тоза маҳсулот-лар ишлаб чиқаришни назар-да тутувчи янги принциплар ва ус-тувор йўналишлар белгилаб бе-рилди. Қолаверса, унда аҳоли-ни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги энг му-ҳим омил сифатида кишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқ-арувчи куч бўлган деҳқон ва фермер хўжалиқлари фаолият-тини ривожлантиришнинг Ўзбекистон тажрибаси чуқур тахлил этилган.

2 >>>

Сайловчиларнинг дахлдорлик ҳисси кучайиб бормоқда

«XXI ASR» мухбири саволларига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О'зЛиДеР фракцияси раҳбари Бахтиёр ЯКУБОВ жавоб беради

— Барчамизга яхши маълумки, парламент куйи палатаси регламентига мувофиқ, депутатлар вақти-вақти билан ўз сайлов округларида электрот билан юзма-юз иш олиб боришади. Жорий йилнинг 26-31 май кунлари ташкил этилган навбатдаги мулоқотлар ҳам фикр-нишга мисол бўли-ши мумкин. Айтишчи, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ана шу тадбирларнинг мавзу ва йўналишларини ким белгилайди? — Маълумки, сайлов-чилар билан доимий асосда ишлаш, улар олди-

даги ҳисобдорлик қонун ижодкорлиги ва парла-мент назоратини амалга оширишдаги фаолият-ининг энг муҳим йўна-лишларидан бири сана-лади. Ушбу жараёнда сай-ловчилар кўтарган мас-алаларнинг депутатлар томонидан инобатга олинини кенг жамоат-чиликда қизиқини уйғо-тиши табиий, албатта. Шунини алоҳида таъкид-лаш керакки, сайловчи-лар билан мулоқотлар қонунда белгилаб қўйил-ган муҳим ваколатлар қаторига қиради. Уни ўтказиш муддатлари эса Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан бел-гиланади.

Сайловчилар билан иш олиб боришнинг мавзу ва йўналишларига келадиган бўлсақ, бу ерда асосий ролни куйи пала-тада фаолият юритаётган сиёсий партия фракция-лари ўйнайди, десак му-болага бўлмайди. Зеро, хар бир фракция аҳоли-нинг маълум қатламлари помидан иш кўрувчи си-ёсий партиянинг парла-ментдаги муҳим бўғини ҳисобланади ва ўз фаоли-ятида ушбу партиянинг устувор вазифалари, Сайловчи платформаси-да илгари сурилган гоиларнинг ҳаётга тағбиқ қилишга интилади.

3 >>>

БУГУНГИ СОНДА:

Либераллаштириш йўлидаги ИСЛОХОТЛАР ЭЪТИРОФИ

3

Партиявий ТАРҒИБОТНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАСИ

4

Назорат КҮЙИДАН БОШЛАНАДИ

5

НОЁБ ЛАБОРАТОРИЯ «ЧИҚИНДИЛАРИ»

7

Ўзбекистон — бахтли мамлакат

АҚШнинг Ижтимоий фикрни ўрганувчи «Gallup» компанияси Ижобий таассуротлар индекси натижаларини эълон қилди. Унга кўра, дунёнинг 138 та давлати киритилган ушбу рўйхатда Ўзбекистон 29-ўринни банд этди. Эътиборлиси, МДХ мамлакатлари орасида энг яхши кўрсаткични қайд этган Ўзбекистон тадқиқот якуни бўйича Франция (34-ўрин), Финляндия (36), Италия (45), Буюк Британия (54) ва Япония (60) каби ривожланган давлатларни ортада қолдирган. АҚШга эса 15-поғонадан жой берилган. Маълум бўлишича, индекс кўрсаткичлари хар бир мамлакатда тахминан минг киши орасида ўтказилган сўров натижалари бўйича аниқланган.

Тадбиркорлар таассуротлари

Авал хабар берганимиздек, мамлакатимизнинг бир гуруҳ ишбилармонлари Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жағнамаси кўмағида Хитойнинг Сянь шаҳрида ўтказилган Халқаро савдо-саноат кўргазма-ярмаркасида иштирок этишди. Сафар давомида уларга ҳамроҳлик қилар эканмиз, «Made in Uzbekistan» тамғаси остидаги миллий маҳсулотларни ташқи бозорда муваффақиятли намойиш эта олган юртдошларимизнинг таассуротларини қозоғга туширишга ҳаракат қилдик. Энг аввало, Халқаро савдо-саноат кўргазма-ярмаркаси манзили хусусида қисқача тўхталиш жоиз. Боиси Хитойнинг қадимий шаҳарларидан бири саналган Сянь мазкур мамлакатнинг тарихий-маданий маркази сифатида танилган. Уч минг йиллик тарихга эга ушбу шаҳар Хитойнинг шимоли-ғарбида жойлашган бўлиб, Шэньси провинциясининг маъмурий маркази ҳисобланади. Сянь илгари Чанан (Кўхна дунё) номи билан 13 сулола даврида Хитойнинг пойтахти бўлиб келган. Буюк Ипақ йўлининг бошланиш нуқтаси, дея эътироф этиладиган Сянь ўзининг тарихий қиёфаси, маданияти ва анъаналарини сақлаб қолиши баробарида Шанхай ва Пекин каби йирик мегаполислар қаторида жадал ривожланаётган шаҳарлар сирасига қиради.

6 >>>

Меҳнатсевар ва мард халқ — ютуқларнинг бош омили

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Кенгайтирилган йиғилиш иштирокчилари эътироф этганидек, сайёрамизда аҳоли сони тобора ўсиб бораётган бугунги кунда истеъмол товарлари, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этувчи аграр муносабатлар доирасидаги вазият шиддат билан ўзгариб, сув тошқини, қургўкчилик каби та-

О'zLiDePнинг иктисодиётни либераллаштириш ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш соҳасидаги дастурий вазифалари билан тўла ҳамоҳанглиги, уларни самарали амалга ошириш партия электорати ҳисобланган тadbиркор ва фермерлар фаолияти билан боғлиқлиги партиянинг бу соҳадаги масъулияти қанчалик юқори эканлигини кўрсатиб турибди. Тadbир қатнашчиларининг фикрича, маърузада бел-



Ориф ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Бугун шуни тўла асос билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда замонавий қишлоқ хўжалик инфрамулкисини шаклланди. Ҳозир деҳқон ва фермерларимиз нафақат маҳсулот етиштириш, балки уни сақлаш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот кўринишида экспорт қилиш имконига эгадирлар. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистоннинг озиқ-овқат стратегияси ўзининг юксак самарадорлигини кўрсатди ва халқаро миқёсда эътироф этилди. Хусусан, Ўзбекистоннинг озиқ-овқат сисъатидаги бир қатор етакчи компонентлар (хусусан, ер ва қорамолни нам таъминланган уй хўжаликлари ўртасида тақсимлаш) ноёб тажриба сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди. БМТнинг Озиқ-овқат дастури томонидан дунёнинг кўп қисми мамлакатларига, шу жумладан, ривожланган давлатларга тавсия этилган. Бизнинг галдаги вазифамиз эса бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш, соҳага янада замонавий технологияларни жорий этишдан иборат. О'zLiDeP депутатлик корпуси эса ана шу жараённинг ижроси устидан парламент ва жамоатчилик назоратини қўлқайтириш керак, деб ҳисоблаймиз.



Абдумавлон МАХМУДОВ,
Сирдарё вилоятидаги «Барак» фермер хўжалиги раҳбари:

— Мен дунёнинг кўп қисми мамлакатларида бўлганман. Шунинг учун ҳам ишонч билан айтмоқчи, энг ривожланган давлатларда ҳам озиқ-овқат таъминоти ва уларнинг нархлари борасида биздагидек мутаносибликни, бозорларимиздаги тўқин-сочинликни учратиш мушкул. Ҳатто Ўзбекистонга яқин кўшни бўлган, иқлим ва тупроқ шароити бир хил давлатларда ҳам мева-сабзавотнинг салмоқли қисми импорт қилинаётганини кўриб турибмиз. Бизда эса бу борадаги эҳтиёжнинг тўлалигича ўзимизнинг сара маҳсулотлар эвазига қопланмоқда. Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, уларнинг ер-сув ресурсларини оқилона фойдаланиш, шунингдек, қишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштириш, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини оширишдаги ролини кучайтиришга қаратаётган доимий эътибори ниҳоятда юқори эканини айтиб ўтиш лозим. Жумладан, муқтакилик арафасида, мамлакатимиз учун мураккаб давр бўлган 1989 йилда Юртбошимизнинг 2,5 млн. оила учун томоғқа участкалари сифатида минглаб гектар суғориладиган ерларни ажратиб тўғрисидаги қарорининг қабул қилингани сўзимиз исботидир. Аслида бугунги ютуқларга ана шу даврда мустаҳкам пойдевор қўйилганди, десак муболага бўлмайди.



Аваз ИСМОИЛОВ,
Тошкент шаҳридаги «GREEN WORLD» қўшма корхонаси раҳбари:

— Энг аввало шуни таъкидлашим жоизки, халқаро миқёсда катта обрў-эътибор қозongan мана шу анжуманининг юртимизда ўтказилиши чет эллик ҳамкорларимиз сафига янада кўпайгани билан ҳам эса қолаётган бўлди. Шу конференцияда бевосита иштирок этиб, улар билан суҳбатга киришар эканман, мамлакатимизнинг аграр тармоғида қилинаётган ишларга хорижда жиддий эътибор қаратишгагина ва бу тажрибани ўрганишгагина амин бўлдим. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки аграр соҳада қўлаётган ноёб тажрибамиз нафақат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ўз самарасини кўрсатди, балки халқимиз генофондини яхшилашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Озиқ-овқат тарихи ва сифатининг яхшиланиши ўз навбатида аҳоли саломатлиги борасидаги кўрсаткичларнинг ижобий томоғга ўзгаришига хизмат қилмоқда. Масалан, болалар саломатлигига оид кўрсаткичларнинг ўсиши аниқ пайтда уларнинг ўзлаштириши яхшиланиши, пировақда ишлаб чиқаришнинг юқори суръатини таъминлашга мустаҳкам замин яратди. Бу эса иқтисодий тараққиётга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.



Тоҳир ЗОКИРОВ,
Жиззах вилоятидаги «Феруза Бегойим» фермер хўжалиги раҳбари:

— О'zLiDeP Сийёси Кенгаши Иқроияқўмитасининг бугунги кенгайтирилган йиғилишида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор мавзулар, хусусан, фермер хўжаликларини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий, юқори унумли, тежамкор техника ва технологик усунулар билан жиҳозлаш масалалари бўйича ҳам фикр алмашдик. Бу борада Президентимизнинг 2014 йил 15 майдаги «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини бошқариш ва молиявий соғломлаштиришни янада таномиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори аграр комплекснинг технологик қисмини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб бергани эътироф этилди. Бинобарин, ана шу қарорга мувофиқ ташкил этилган «Ўзгросаноатмашхолдинг» компанияси ўз таркибиде қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Тошкент ҳамда Чирчиқ заводларини бирлаштириди. Уларда махсус қишлоқ хўжалиги техникаси, унинг компонентлари ва эҳтиёт қисмлари тайёрланади. Бу чора-тадбирлар эса ўз навбатида фермерларга озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўшма қўлайликларни яратиш, шу тариқа мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражаси ва фаровонлигини таъминлаш борасидаги имкониятини ошириши табиий.

— Ўзбекистон қисқа даврда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида катта натижаларга эришди, — дея сўзида давом этди С.Турдиев. — Биргина мисол: юртимиз 23 йил ичида бугдойни импорт қилувчи давлатдан уни ўзининг катта эҳтиёжидан орттириб, экспорт қилаётгани мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар муваффақиятининг яққол тасдиғидир.

биат инжиқликларини натижасида кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларининг баҳоси 40-50 фоизга ошгани кузатишмоқда.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмагани, 30 фондан зиёди тўлақонли равишда овқатланмагани, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошида кечиряпти. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ бола турли касалликлардан азият чекаётди.

— Ўзбекистон қисқа даврда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида катта натижаларга эришди, — дея сўзида давом этди С.Турдиев. — Биргина мисол: юртимиз 23 йил ичида бугдойни импорт қилувчи давлатдан уни ўзининг катта эҳтиёжидан орттириб, экспорт қилаётгани мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар муваффақиятининг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари захиралари, айрим давлатлардагидек, факат экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига эмас, аксинча, серхосия, санаят ва қишлоқ хўжалиги ва ҳаётининг турмуш сифатини янада юксалтириш мақсадида чуқур ўйланган, кенг қўламли ислохот ва ўзгаришларни аввало иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлиши қишлоқ хўжалигидан бошланганлиги мана шундай ютуқларга асос бўлаётганлигини алоҳида таъкидлайди.

О'zLiDeP мазкур ютуқлар барчага маълум ва машҳур, узокни кўзлаб, аниқ ва равшан белгилаб берилган, ривожланишнинг ўзимизга хос тараққиёт йўли бўлган «ўзбек модели» асосида амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси деб билади. Шунингдек, халқимизнинг турмуш сифатини янада юксалтириш мақсадида чуқур ўйланган, кенг қўламли ислохот ва ўзгаришларни аввало иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлиши қишлоқ хўжалигидан бошланганлиги мана шундай ютуқларга асос бўлаётганлигини алоҳида таъкидлайди.

Йиғилишда Президентимиз нутқида кўтарилган масалалар бўйича келиб чиқадиган партиявий вазифалар хусусида ҳам атрафлича сўз юритилди. Ушбу устувор масалалар

гиланган устувор вазифалар партиянинг янги Сайловолди платформасида ўз аксини топиши, унда айнан ушбу масалаларнинг муваффақиятли натижаларини таъминлашга қаратилган аниқ мақсади вазифалар белгилашни керак. Унда 2020 йилга қадар мева, сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни 2014 йилга нисбатан 2,3 марта кўпайтириш, маҳсулот «етиштириш-сақлаш-кайта ишлаш-экспорт қилиш» занжирли тизимини муваффақиятли амалга ошириш, озиқ-овқат санаятини модернизация қилиш, соҳа тармоқларини техник ва технология янгилаш, импорт ўринини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбат-

лантириш, кооперация, кластер тизимларини такомиллаштириш, транспорт-логистика марказлари фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ўрин эгаллаши лозим.

Партия қишлоқ хўжалиги эканларининг ҳосилдорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, мавжуд объектларни реконструкция қилиш борасида Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан бирга фаол жамоатчилик назоратини ўрнатилиши лозимлигига урғу берилди. Айниқса, замонавий сув тежовчи технологияларни, жумладан, томчилатиб суғоришни кенг жорий этиш бўйича электорат билан доимий мулоқотда бўлиш ва бу борадаги энг сўнгги янгиликларни уларга мунтазам етказиб бериш керак. Бу масалада сўз юритганда О'zLiDeP фракцияси ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилиши режалаштирилган қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ҳисоботини эшитиш тadbириде депутатларнинг фаол иштирок эти-

ши, унинг натижалари бўйича аниқ иш режасини тайёрлаш вазифаси белгилаб олингани ҳам айтиб ўтиш керак. Бу борада О'zLiDeP мамлакатда озиқ-овқат санаяти соҳасида янги қорхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ишларида барча куч ва имкониятларни сарфбар қилиши мақсада муваффақият қилиши керак. Шунинг учун ҳам О'zLiDeP ўзининг стратегик ҳамкорлари бўлиши Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ва Савдо-санаят палатаси билан бирга қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ҳисоботини эшитиш тadbириде депутатларнинг фаол иштирок эти-

ши, унинг натижалари бўйича аниқ иш режасини тайёрлаш вазифаси белгилаб олингани ҳам айтиб ўтиш керак.

Бу борада О'zLiDeP мамлакатда озиқ-овқат санаяти соҳасида янги қорхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ишларида барча куч ва имкониятларни сарфбар қилиши мақсада муваффақият қилиши керак. Шунинг учун ҳам О'zLiDeP ўзининг стратегик ҳамкорлари бўлиши Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ва Савдо-санаят палатаси билан бирга қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ҳисоботини эшитиш тadbириде депутатларнинг фаол иштирок эти-

ши, унинг натижалари бўйича аниқ иш режасини тайёрлаш вазифаси белгилаб олингани ҳам айтиб ўтиш керак. Бу борада О'zLiDeP мамлакатда озиқ-овқат санаяти соҳасида янги қорхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ишларида барча куч ва имкониятларни сарфбар қилиши мақсада муваффақият қилиши керак. Шунинг учун ҳам О'zLiDeP ўзининг стратегик ҳамкорлари бўлиши Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ва Савдо-санаят палатаси билан бирга қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ҳисоботини эшитиш тadbириде депутатларнинг фаол иштирок эти-

да ишга туширилиши учун О'zLiDeP бошланғич партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари, тadbиркор ва фермерлар бундан буён жуда каттик иш олиб бориши шарт, дейилди мулоқотда. Демак, партиянинг барча куч ва салоҳияти, жамоатчилик назорати, депутатлик гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолияти, парламент эшитувларида асосий эътиборни ушбу масалаларга қаратишимиз даркор.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи давлат ва жамиятнинг энг муҳим стратегик вазифалиридан бири бўлиб ҳисобланиши, ҳеч қачон ўзининг долзарблигини йўқотмаслиги, шунингдек, ушбу масалаларнинг ижобий ечимлари кўп жиҳатдан О'zLiDeP электорати вакиллари — тadbиркорлар ва фермерларнинг самарали фаолиятига боғлиқлиги нуқтаи назардан ҳам партия тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб бориши зарурдир.

Йиғилиш якунида мунозаралар вақтида билдирилган тақдир ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда тегишли қарор қабул қилинди.

Сўз — ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар энг талабчан харидорга ҳам манзур бўлмоқда

Аттила КИШ, Озиқ-овқат маҳсулотлари илмий-тадқиқот институти директори (Венгрия):
— Дунё мутахассислари, етакчи олим ва экспертлар иштирок этган конференцияда Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари, босқичма-босқич амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида қўлга киритилган улкан ютуқлар билан танишиш ва бу борадаги мамлакатингизнинг бой тажрибасини ўрганиш имконига эга бўлдик. Давлатингиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган «ўзбек модели» жуда самарали ва ҳаётининг турмуш сифатини янада юксалтиришга қаратилган алоҳида таъкидлашни истардим. Ўзбекистоннинг ютуқларидан яна бири мамлакат аҳолиси интеллектуал салоҳиятининг жуда юқори эканидир. Бу олим юртингизнинг халқаро ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонлик олимлар ва ишбилармонлар билан мунтазам равишда тажриба алмашиб туриш, қишлоқ хўжалиги ва агробизнес соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдоримиз. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятидамыз.

Сетапонг ЛЕКАВАТАНА, Таиланд қишлоқ хўжалиги ва кооперация вазирлигининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рағбатлантириш ва менежмент бюроси бош эксперти:
— Халқаро конференция жаҳон озиқ-овқат санаяти ривожиде муҳим воқеа бўлди. Анжуман доирасида мамлакатингиздаги ишлаб чиқариш корхоналари, катта-кичик дўконлар, бозору супермаркетларда бўлиб, Ўзбекистоннинг озиқ-овқат санаяти борасидаги юксак салоҳияти билан бевосита танишдик. Савдо растанларидаги хилма-хил маҳсулотларни кўриб, кўз нувонади. Уларнинг қўлпигидан, хилма-хиллигидан қай бирини танлашни ҳам билмай қоласиз. Масалан, қанқовбосди ичимликлар — маъданли сувлар, шербатлар, салқин чойларнинг ўнлаб тури бор. Уларнинг барчаси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилгани диққатга сазовор. Бу маҳсулотлар энг нозиктаб, талабчан харидорга ҳам манзур бўлади. Дунёнинг кўп жойларида озиқ-овқат тақчиллиги кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистондаги бундай фаровонликка чин дилдан ҳавас қилдик. Конференциядаги ишчанлик руҳи, бизга кўрсатилган самимий муносабат, ширинсуханлик ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирамыз.

Жеф ВЕРКАММЕН, «Pcfruit» мева етиштириш тадқиқот маркази директори (Бельгия):
— Мамлакатингиздаги фермер хўжаликларида жорий этилган томчилатиб суғориш технологияси сув сарфини бир неча баробар камайтириш, ҳосилдорликни ва ер унумдорлигини ошириш имконини бераётгани диққатга сазовор. Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида Ўзбекистондан ўрناق ола олишга қўшма қўламли хизмат қилдик. Мен юртингизда орттирган тажрибамни Бельгияда қўллаш истагидаман. Мамлакатингизда нафақат мева-сабзавот эканларини етиштириш, балки балиқчилик санаяти ҳам яхши ривожланганига гувоҳ бўлдик. Ўзбекистон халқининг фаровон ва тўқис ҳаёт кечирishi учун барча омилар мавжуд эканига ишонч ҳосил қилдик. Бу тўқин бозорлар, турфа хил маҳсулотлардан кўз қамашадиган дўконлару савдо марказлари мисолида яққол кўзга ташланади.

Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА (Ўза мухбирлари) ёзиб олди.

Балиқлар учун 580 минг гектар

Ўтган йили республикаимиз хўжаликлари томонидан балиқнинг сазан, лаққа, фарель, дунгпешона каби турларидан қарийб 30 минг тонна маҳсулот етиштирилди, аҳоли дастурхонига тортик қилинди. Тижорат банклари эса мамлакатимизда балиқчиликни янада ривожлантириш мақсадида 60 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратди. Шу ўринда сўнгги йилларда мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган технологиялар асосида маҳаллий шароитда тайёрланаётган озуқалар ҳисобига балиқ боқиш учун шароит яратилаётганини айтиб ўтиш лозим. Масалан, асосан ўтлар билан озикланадиган оқ амур балиғини маҳаллийлаштириш натижасида омухта еми иқтисод қилишдан ташқари, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга эришилмоқда. Умуман, бугунги кунда Ўзбекистонда қарийб 2600 та балиқчиликка ихтисослашган хўжалик мавжуд бўлиб, уларга қўллар ва сув омборларидан 580 минг гектарлик жой ажратилган. **Зиёдулла МҮМИНОВ.**

ХИРМАТ ИШЛАГАНГА ХИРМАТДОР ДУНЁ!

«Меҳнату бедорликка ошно бўл, эй рафиқ, Барча йўллар ичра сенга бу асл йўл, эй рафиқ. Бу жаҳонда қўлга кирмас бемашақат толе, бахт, Фафлат уйқусида бўлсин, ўзга машғул, эй рафиқ».
Абу Али ибн СИНО.

» «ДИПЛОМ БИЛАН — БИЗНЕСГА»

Инновацион ғояларга ундаётган лойиҳа

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI asr»

«Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ижобий натижалар бераётганини бу борадаги кўрсаткичлар сифат ва сон жиҳатдан яхшиланаётганида ҳам кўриш мумкин, — дейди O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Мاستура Хаитова. — Мисол учун, ўтган йилги лойиҳа якунида бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида имтиёзли микрокредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар билан тақдирланган 20 нафар битирувчи молия муассасаларидан жами 337 млн. 900 минг сўм миқдорда маблағ олиб, ўз бизнесини ташкил этишни туфайли улар томонидан 100 га яқин янги иш ўрни яратилди.



Бу йилги иштирокчиларнинг бизнес-режалари эса инновацион ғояларга бойлиги билан аввалгиларидан фарқ қилди. Яна бир ижобий томони шунда бўлдики, катнашчилар ўзларнинг тадбиркорлик ишланмаларини амалга ошириш орқали «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлашга интиломқадар.

Ана шундай инновацион ғояларнинг муаллифи сирасига Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультети талабаси Оксана Тагаева ва Тошкент Давлат шарқшунослик институти хорижий мамлакатлар иқтисодиёти факультети талабаси Анасова Эгамовни киритиш мумкин. Хусусан, Оксана ўз бизнес-режасида кумуш билан ионланган бўёқ ишлаб чиқариш тақлифини киритган. Бу бўёқнинг афзаллиги у дезинфекциялаш хусусияти эга бўлиб, ҳавода мавжуд бактерияларни йўқотади.

— Янги ишга қўл уришимнинг асосий сабаби мамлакатимизда бундай маҳсулот мавжуд эмаслигидир, — дейди О. Тагаева. — Лойиҳамни ҳаётга татбиқ этиш орқали мен ишлаб

чиқарган буюклардан мамлакатимиздаги барча тиббиёт масканлари ва мактабгача таълим муассасаларида самарали фойдаланиш мумкин.

Лойиҳа якуни бўйича иштирокчи ёшларнинг 30 нафарини бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида имтиёзли микрокредит олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тавсияномаларига асосан сертификатлар билан тақдирланди. Мухими, талабалар ўз бизнесини йўлга қўйиш билан бирга ўзларига ўхшаган ёшларни иш билан таъминлайдилар. Демак, ушбу лойиҳани ёшларнинг инновацион ғояларга ундаётган муҳим омили сифатида баҳолаш ҳар томонлама тўғри бўлади. Унинг катнашчилари мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада раванж топишига ўз ҳиссаларини қўшишади, албатта.

O'zLiDeP томонидан аёнанавий равишда ташкил этиб келинаётган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг Қашқадарё вилоят босқичи ҳам

юксак савияда ўтказилди. Партиявий лойиҳа доирасидаги ўқув-семинарлар давомида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда банкларнинг ўрни, ишбилармонлик ғояларини кредитлашнинг ҳуқуқий асослари ҳамда уларнинг расмийлаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

— Айтиш жоизки, 2013 йилда лойиҳанинг вилоят босқичида таълим муассасаларининг 140 нафар битирувчиси иштирок этиб, улардан 79 нафарига 724,95 млн. сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар берилди, — дейди O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши бўлими мудири С.Ботиров. — Натияжада ҳудудларда 130 дан орტიқ янги иш ўрни яратилди. Жорий йилда эса лойиҳанинг туман босқичларида 800 дан зиёд битирувчи иштирок этди. Улардан 150 нафарига вилоят босқичига йўланма берилди.

— Лойиҳада муваффақият-ли катнашини ва 16 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олишни ният қилганман. Агар ҳаммаси кўнгилдагидек бўлса, аввал Яққабов, кейинчалик Чирокчи ва Камашни туманларида ана шундай ўқув марказлари ташкил этиш мақсадини бор, — дейди Буноза.

Тадбир якунида бизнес-режалари истиқболли деб топишган иштирокчиларга тижорат банкларининг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

» «АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

Партиявий тарғиботнинг амалий натижаси

Хотин-қизларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, улар орасида оилавий бизнесни жадал ривожлантириш айти кундаги муҳим вазифалардан биридир

Гулбахор Тўраева,
O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири



Шу мақсадда O'zLiDeP ташаббуси билан ўтказилаётган «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳаси натижасида ҳам кутилган натижаларни бермоқда. Лойиҳанинг ўтган йилги босқичида 500 нафарга яқин хотин-қиз иштирок этиб, улардан 33 нафарига 658 млн. 750 минг сўм кредит ажратилган эди. Энг асосийси, ана шу кредитлар ҳисобига 78 та янги иш ўрни ташкил этилди. Буни партиявий лойиҳанинг реал натижаси, дея баҳолаш мумкин.

Чунончи, жойларда ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари давомида Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни ва соҳага оид қонуности ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти юзасидан афрофлича маълумотлар берилган. Бунда асосий эътибор аёлларнинг тадбиркорлик оид ҳуқуқий билимларини ошириш, жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш, уларга имтиёзли кредит олишда ёрдам кўрсатиш, бу борадаги хорижий тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш масалаларига қаратиляпти.

«Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳасида катнашиб, ўз бизнес-режаларини муваффақиятли хийма қилган иштирокчиларнинг аксарияти вилоятдаги тажрибали тадбиркорлар, фермерлар халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлиги гуруҳи аъзоларига бириктириляётганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Шу ўринда лойиҳа доирасида ташкил этилган машғулотлардан кейин 30 нафар хотин-қиз партия сафига кириш истагини билдирганини

айтмоқчиман.

Тадбирнинг ўтган йилги босқичида гузорлик Зарбуви Ойсарова 8 млн. сўм, китоблик Диноза Холқова эса 15 млн. сўм кредит олиб, чорвачилик фаолиятини йўлга қўйган бўлишса, кўп йиллардан бери «Элдорбек Абдоржон Луқмонович» фермер хўжалигини бошқариб келаятган Насиба Нурова лойиҳа доирасида 18 млн. сўмлик маблағ ҳисобига янги боғ барпо этди. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Жумладан, яққабовлик Гулзода Мейлиева янги тикувчилик цехи очиб, 15 нафар дугонасини иш билан таъминлади. Шаҳрисабзлик Матлуба Йўлдошева томонидан ташкил этилган мўъажизна цехида 20 нафар хотин-қиз ироқи қаштачилик, тикувчилик, қардўзлик фаолияти билан шуғулланыпти. Мубораклик тадбиркор қиз, «Сахий чўпон даласи» фермер хўжалиги раиси Нодира Бердиева эса 30,5 млн. сўм кредит олиб, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Ушбу лойиҳанинг шаҳар ва туман босқичларида 600 нафарга яқин хотин-қиз иштирок этганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, деҳқонobodлик Шахло Тоғаева 10 млн. сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига «Ўқув маркази» ташкил этишни мақсад қилган. Зебо Худоерова эса банкнинг молиявий кўмаги ёрда-

мида «Ўзалик саломи» очишни ният қилиб турибди. Миришкорлик ёш тадбиркорлар Меҳринисо Турсунўлатова, Шахноза Алиева ва Ситора Рустамова тикувчилик, қандолатчилик цехларини ташкил этишга оид бизнес лойиҳаларини тақдим қилишган. Лойиҳада илк бор иштирок этаётган қашқадарлик Ситора Иноқова ва Зуфунун Мирсаидова иссиқхона хўжалиги, Мухайё Эгамова эса паррандачилик соҳасида фаолият юритишни режалаштиришмоқда.

Лойиҳанинг шаҳар, туман босқичларида катнашган 485 нафар хотин-қизнинг 40 дан ортиқ бизнес-режаси саралаб олинди, вилоят босқичига тавсия этилди.

Юқоридагилардан кўринадик, хотин-қизларимиз бутун фақат фарзанд тарбияси билан чегараланиб қолмай, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига тобора фаол иштирок этмоқдалар. Уларнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, сервис, маиший хизмат ва бошқа соҳаларда эришяётган салмоқли ютуқлари ҳам шундан далолат беради. Зеро, хотин-қизларга эътибор ва ғамхўрликни ошириш, уларнинг меҳнат қилишлари ҳамда дам олишлари учун қулай шарт-шароит яратиш партияимизнинг дастурий мақсадларидан биридир.

» ТАДБИРКОРЛИК

«Садаф мебеллари» — оилавий бизнес маҳсули

O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» танловининг вилоят босқичи якунида 27 нафар уй БЕКАСИ ТАДБИРКОРЛИКНИ БОШЛАШ УЧУН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ОЛИШ ИМКОНИАТИНИ БЕРУВЧИ СЕРТИФИКАТ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Наргиза КАХҲОРОВА,
«XXI asr»

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда O'zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Носиржон Абдуллаев хотин-қизларнинг ижтимоий фаолиятини янада кучайтириш масалалари ҳамда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда белгиланган имтиёзлар хусусида афрофлича тўхтади.

— Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг самарали воситаларидан бири ҳам оилавий тадбиркорлик эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу нуқтаи назардан «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Хотин-қизлар ўртасида фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш» лойиҳалари доирасида ўтказилаётган тадбирларимизда оилавий бизнесни режалаштиришдан бошлаб йўлга қўйишга бўлган жараёнларни батафсил тунштиришга ҳаракат қилияпти. Чунки оила

аъзолари манфаатдорлигига асосланган тадбиркорликнинг ушбу турини фарзандлар тарбияси билан қўшиб олиб бориш имконияти ўзбек аёли учун энг мақбул шароитдир.

— Мен 2009 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман, — дейди Учқўрғон туманидаги «Садаф мебеллари» оилавий корхонаси раҳбари Ҳамидхон Тилабова. — Дастлаб сандик ва жавонлар тайёрлаган бўлсак, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун кучга киргач, «Садаф мебеллари» номи билан оилавий корхона ташкил қилдик. Ҳозир 7 киши меҳнат қилаётган корхонада 25 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Агар 2013 йилда 56 млн. сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йил бошида 153 млн. сўмлик

шартнома туздик. — O'zLiDeP билан ҳамкорликдаги ишларимиз яхши самара бермоқда, — дейди Марказий банкнинг вилоят бошқармаси масъул ходими Абдурауф Абдурахмонов. — Жорий йилнинг ўтган беш ойида тадбиркор ошанининг 50 нафар иштирокчиси оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишга қўллаб-қувватлашлари билан спорт мажмуаси икки ойда қуриб битказилди. Банкдан олинган узоқ муддатли кредит эвазига бунёд этилган мажмуа таркибида 2 та мини-футбол ва 1 та волейбол майдончалари, теннис корти, ювниш хоналари мавжуд. Мини-футбол майдончаси сунъий майса билан қопланган бўлса, корта синтетик қоплама тўшалди. Эътиборли томони, «Соғлом бола» деб номланган мажмуа шахарнинг аҳоли гавжум бўлган қисмида қурилгандир.

— Яқингача бу ерларда чиқиндилар уюлиб ётар эди. Тадбиркорнинг сый-ҳаракати туфайли обод ва кўркем жойга айланди-қўйди, — дейди оҳангаронлик меҳнат фахрийси А.Давронов. — Бунинг натижасида 10 нафарга яқин йигит-қиз доимий иш билан таъминланди. Ёшларимиз эса спортнинг ўнга яқин тури билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар. Зиёдулла МҮМИНОВ.

Оҳангароннинг «Соғлом бола»си

O'zLiDeP аъзоси, халқ депутатлари Оҳангарон туман кенгаши депутати, тадбиркор Шавкат Комилов сый-ҳаракати билан туман марказида 300 кишига мўлжалланган спорт мажмуаси барпо этилди.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, хусусан, ёшларимизнинг ўқишдан ва ишдан бўш вақтларида спорт билан шуғулланишлари учун керакли шароитларни яратиб беришга қаратилган лойиҳамиз O'zLiDeP депутатлик гуруҳи, шунингдек, партия вилоят кенгашига ҳам маълум тушди, — дейди Ш.Комилов. — Айнан уларнинг қўллаб-қувватлашлари билан спорт мажмуаси икки ойда қуриб битказилди. Банкдан олинган узоқ муддатли кредит эвазига бунёд этилган мажмуа таркибида 2 та мини-футбол ва 1 та волейбол майдончалари, теннис корти, ювниш хоналари мавжуд. Мини-футбол майдончаси сунъий майса билан қопланган бўлса, корта синтетик қоплама тўшалди. Эътиборли томони, «Соғлом бола» деб номланган мажмуа шахарнинг аҳоли гавжум бўлган қисмида қурилгандир. — Яқингача бу ерларда чиқиндилар уюлиб ётар эди. Тадбиркорнинг сый-ҳаракати туфайли обод ва кўркем жойга айланди-қўйди, — дейди оҳангаронлик меҳнат фахрийси А.Давронов. — Бунинг натижасида 10 нафарга яқин йигит-қиз доимий иш билан таъминланди. Ёшларимиз эса спортнинг ўнга яқин тури билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар. Зиёдулла МҮМИНОВ.

ХИЗМАТ ИЗЛАГАНГА ХИЗМАТДИР ДУНЁ!

«Мажбуриятингни бурч ўрнида қўй, бу кўнгил учун роҳатли ва обрўни сақлаш учун энг тўғри тадбирдир».

ЗАМАХШАРИЙ.

Етакчи аёллардан ўрناق олса арзийди

O'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ташаббуси билан ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИ ДАВОМИДА ЖОЙЛАРДА 200 ДАН Ортиқ учрашув ва давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия хайрихоҳлари бўлган 4 миңдан зиёд опа-сингилимиз иштирок этгани Фарғондада ҳам либерал ғоялар фаол қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради

Ахроржон МУСУРМОНОВ,
«XXI asr»

— Бу каби тадбирларни ўтказишда 92 нафар фермер, 590 нафардан ортиқ тадбиркор опа-сингиларимиз ташаббускорлик кўрсатаётгилар, — дейди «Аёллар қаноти» раҳбари Гулбахор Турдиқулова. — Давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ҳамда либераллаштириш соҳасидаги устувор вазифаларга йўналтирилган тадбирларни ташкиллаштиришда 117 та БПТга етакчилик қилаётган опа-сингиларимиз яқиндан ёрдам бериляпти.

Натияжада вилоятда партиянинг нуфузи ошди, янги аъзолар сони кўпаймоқда. Мисол тариқасида «Асака» О'zLiDeP Қўқон шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Наргиза Азимова. — Ана шундай сый-ҳаракатлар натижасида ўтган уч ойда шахримизда хусусий иш бошлашга лаёқатли 30 нафарга яқин хотин-қиз рўйхатга олинди. Тадбиркор фаолларимиз кўмаги билан

тузилиб, унга 17 нафар маълум аъзо бўлганлигини келтириш мумкин. Шунингдек, «Соғлом оила — мустақкам оила» лойиҳаси доирасида Бешарик туманидаги «Бой маҳалла» МФЙда бўлиб ўтган очик мулоқотдан сўнг 16 нафар хотин-қиз партияимиз сафига қўшилди. Бундан ташқари «Аёллар қаноти»нинг қатор ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолияти бува. — Давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ҳамда либераллаштириш соҳасидаги устувор вазифаларга муносиб хисса қўшишларига замин яратмоқда.

— Хотин-қизларнинг сиёсий жараёнларга кенг жалб этилиши, ўз навбатида, юртимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишда муҳим омили бўлмоқда, — дейди O'zLiDeP Қўқон шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Наргиза Азимова. — Ана шундай сый-ҳаракатлар натижасида ўтган уч ойда шахримизда хусусий иш бошлашга лаёқатли 30 нафарга яқин хотин-қиз рўйхатга олинди. Тадбиркор фаолларимиз кўмаги билан

100 нафардан ортиқ коллеж битирувчиси иш билан таъминланди.

«Аёллар қаноти»нинг ўтган йилги йирик тадбирларидан бири — «Соғлом оила — мустақкам оила» лойиҳаси ҳам ўз самарасини берди. Ушбу ташаббус жорий йилда ҳам давом эттирилиб, жойларда «Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш», «Соғлом авлодни тарбиялаш йўлида яратилган шарт-шароитлар ва улардан самарали фойдаланиш усуллари», «Соғлом бола — юрт келажиги», «Соғлом она — соғлом бола» каби мавзуларда кўплаб учрашувлар ўтказилмоқда. Бу борада Марғилон, Қувасой, Қўқон шаҳарлари, Қува, Бағдод, Ринтотон, Учқўрғон туманлари партия кенгашларининг ўрناق кўрсатаётгани эътиборга лойиқдир.

Мухтасар айтганда, фарғоналик фаол хотин-қизлар «Аёллар қаноти» етакчилигида O'zLiDeP ғояларини амалиётга таъбиқ этишдек муҳим вазифани бажариш йўлида бор имкониятларини ишга солишмоқда.



БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

23 (551)-сон, 2014 йил 12 июнь, пайшанба

Назорат қуйидан бошланади

О'zLiDeP Миробод туман кенгаши таркибида 108 та қуйи бўғин бўлиб, улар ўз атрофига 3485 нафар аъзони бирлаштирган

Бехзод ИСРОИЛОВ, «XXI asr»

Пойтахт ҳаётида О'zLiDeP мавқеи тобора мустаҳкамланаётганини биргина Миробод тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу борада ҳам, шубҳасиз, фаолларнинг ҳиссаси катта бўлаётди. Жойларда ўтказилаётган турли оммавий-сиёсий тадбирлар, партия тарафдорлари билан юзма-юз мулоқотлар чоғида муҳим масалалар ўртага ташланиб, уларнинг ижросини таъминлаш чоралари кўриляпти. Хусусан, электрорат сафлари тобора кенгайиб бораётганлиги эътиборга моликдир. Биз партия туман кенгаши фаолияти билан танишарканмиз, бир куннинг ўзида икки киши, яъни «Original Gold» оилавий корхонаси раҳбари Рустам Эшонов, «Kristostyle» МЧЖ директори Ширин Исмоилова-нинг аъзолик ҳужжатлари расмийлаштирилганга гувоҳ бўлдик. Узро сўхбат давомида улар гоё ва мақсадли равишда реаллиги учун ҳам О'zLiDePни танлашганини мамнуният билан эътироф эттишти.

Жорий йилда қуйи бўғинлар ташаббуси билан демократик ислохотлар жараёнида сайлов тизимини янада либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бошланғич ташкилотларнинг белги-ланган дастурий режаларни амалга ошириш жараёнидаги иштирокчини кенгайтириш ва бошқа муҳим мавзулар юзасидан 30 дан зиёд тадбир ташкил этилди. Хусусан, «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» очик акциядорлик жамияти, 3-оилавий поликлиника, «Чинор» ва «Афросиёб» МФЙ, Тошкент давлат шарқшунослик институтида ўтказилган давра суҳбати, учрашув ва очик мулоқотлардан сўнг 82 киши партия сафига кириш истагини билдирганлигини таъкидлаш жоиз. Нуфузли давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллалар, шунингдек, меҳнат жамоалари ўртасида олиб борилаётган тарбия-бот-ташвиқот ишлари ҳам тобора кенг камров касб эътиборга эришди. Бунда асосий эътибор «Соғлом бола йил» Давлат дастури ижросини таъминлаш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни касбга йўналтириш, фуқароларда тиббий ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга қаратилмоқда.

Бугунги ислохотлар жараёни ҳар биримиздан алоҳида маъсулият талаб этади, — дейди О'zLiDeP туман кенгаши раиси ўринбосари Д.Исанова. — Айниқса, бўлажак сайловлар арафасида сафарбарликни оширишимиз, ўз устимизда тинимсиз изланишимиз, электроратта янада яқинроқ бўлишимиз ло-

зим.

Партиявий лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида ёшларнинг сиёсий фаоллиги яққол сезилмоқдаки, бу бизни мамнун этади, албатта. Яқинда ана шундай истикболли, ташаббускор йигит-қизлардан 57 нафари партиямизнинг кадрлар захирасига олинганлиги бежиз эмас.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фаоллик кўрсатиш О'zLiDePнинг дастурий мақсадларидан биридир. Миробод туман партия кенгаши бу хайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. Чунинки, яқинда ёш ишбилармонлар учун банк, солиқ ва бухгалтерия соҳалари бўйича малака оширишга ихтисослашган бе-нул ҳуқуқий маслаҳатхона ташкил қилиш режалаштирилмоқда. Ушбу лойиҳани рўёбга чиқаришда партиянинг таянч тузилмалари иш олиб бораётган корхона ва ташкилотларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш кўзда тутиляпти.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туманда 11 та янги қуйи бўғинга асос солинган, ана шу мундари орасида фуқаролардан 20 дан ортиқ ёзма ва оғзаки мурожаат тушганини ҳам эслаш жоиз. Мурожаатлар атрофича ўрганиш чиклиб, деярли барчаси ижобий ҳал этилди. Шунинг ўзи фаоллар партиявий ишга маъсулият ва талабчанлик билан ёндашганидан далолат беради. Биргина мисол: Миробод санаят касб-хунаро коллежи маъмурияти ва оналарнинг тақлифи ҳисобга олиниб, Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига депутатлик сўрови йўлланган



«БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ҲАМДА ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА АХБОРОТНИ ЖАМОАТЧИЛИККА ЕТКАЗИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРАДИ, БУ БОРАДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР БИЛАН БЕВОСИТА ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ».

О'zLiDeP Уставидан.

эди. Натижада автомобиль йўлининг коллеж ҳудудидан ўтувчи қисмида тегишли йўл белгиси ўрнатилди. Бу эса ўқувчи-ёшларнинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётди.

Умуман, бошланғич

бўғинлар электрорат вакиллари, мутасадди ташкилотлар, қолаверса, кенг жоматчилик ёрдамига таяниб, кўпгина ҳаётий масалаларни жойида ҳал этишга эришмоқда. Бу борада БПТлар раислари ва аъзолари Махмуд Қодирий,

Азиз Отажонов, Фароғат Эргашева, Умида Ботирова, Рустам Якубов, Нигмонжон Шамсиев ва бошқаларнинг хизмати катта бўлаётди. Улар ўзларига юқлатилган партиявий топшириқларни бекаму кўст уддалаш билан бирга гоёвий ишларни кучайтиришда ҳам фаоллик кўрсатишапти.

— Оқориди тилга олинган натижаларга қарамасдан баъзи йўналишларда эътиборсизликка йўл қўйилаётгани ҳам сир эмас. Туманимизда қарийб 127 минг киши истикомат қилади. 3800 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Лекин улар билан амалий ҳамкорлик масаласида бир қатор камчиликларга йўл қўйилган. Жойлардаги айрим

БПТлар фаолияти эса талаб даражасида эмас, — дейди туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Рашид Фозилов. — Бу борадаги ишларни такомиллаштириш, электрорат билан алоқаларни янада кенгайтириш биринчи даражали вазирамиздир. Айниқса, жиддий сиёсий имтиҳон — сайловлар арафасида қуйи бўғинлардан қатъий ва изчиллик билан иш олиб бориш талаб этилади. Чунки улар партия билан сайловчи ўртасидаги асосий таянч нуқтасидир. Партияимизнинг сайловлардаги муваффақияти ҳам кўп жиҳатдан гоёвий-сиёсий ишларнинг таъсирчанлиги ва самардорлигига боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим.

МУЛОҲАЗА

Чиройли ваъдалар эмас, амалий ишлар керак

Муқаддас КУСАЕВА, О'zLiDeP Ўртачирчиқ туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутати: — Бугунги кунда Ўртачирчиқ туманида 200 мингга яқин аҳоли истикомат қилади. Уларнинг қарийб 60 фоизи ёшлардир. Яқинда Қорасув қишлоғида ўтказилган учрашувда аҳоли онги ўсиб, фуқаролик позицияси мустаҳкамланаётганига ишонч ҳосил қилдик. Бу — яхши, албатта. Бўлажак сайловлар арафасида бундай мулоқотларни тез-тез ўтказиб, жойлардаги муаммолар, одамлар дарди, ташвишларини яқиндан ўрганиш фойдадан холи бўлмади. Аввалги сайловлар натижаларини яна бир қарра таҳлил қилиб, тегишли ҳулосалар чиқаришимиз, йўл қўйилган ҳатоларни такрорламасликка ҳаракат қилишимиз керак. Бунда, касб-хунаро коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман. Зеро, одамлар биздан чиройли ваъдалар эмас, амалий ишлар кутади, аниқ ишлар, режалар ва уларнинг ижроси билан қизиқади.

Бунёдкорлар сафи кенгайса, тараққиётимиз тезлашади

Қоҳридин ФАЙЗИЕВ, «Муборамефтгаз» унитар шўъба корхонасидаги БПТ раиси: — Корхонамизда бўлажак сайловларга тайёргарлик ва иштирок этиш даврида бошланғич партия ташкилотлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш, қуйи бўғин етакчиларида сайловга оид зарур малака ва кўникмаларни шакллантириш мавзусига бағишланган йиғилишда сиёсий фаол ва ташкилотчи ёшларгина аҳоли ўртасида партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилишда ўрнатилган алоҳида эътибор қаратилди. Тажрибадан яхши маълумки, аҳоли кенг қатламлари орасига янада чуқуროқ кириб бориш, амалий ишлар билан бошқаларга ўрнатилган, партия сафларини ёшлар ҳисобига кенгайтириш борасида изчиллик билан иш юритиш, тарғибот ишларини кучайтириш сайловларда ўз самарасини беради. Шубҳасиз 100 дан ортиқ сафдошимизни жамлаган ташкилотимиз фаоллари ҳақ-ҳуққини танийдиган, ўз имкониятларига таянадиган, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан мустақил ҳулоса чиқара оладиган, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрайдиган, ҳар жиҳатдан баркамол ташкилотларимиз тарбиялаш ишига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Бошланғич ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш, аниқ натижаларга эришиш билангина аҳоли эътиборини жалб қилиш мумкин. Демак, бугунги куннинг яна бир асосий талаби — қўйилаётган вазибаларни самарали амалга оширишда маъсулиятни тўлиқ зиммага олиш, ғайрат-шижоатли ва фол бўлишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам изчил ислохотлар моҳияти, фуқаролик жамияти асослари, миллий истиқлол гоҳини ёшлар онига синдириш, уларнинг орзу-уйларни, қизиқишларини ва муаммоларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратяптимиз. Истиклол шарофати билан амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, О'zLiDeP гоғларининг давлатимиз раҳбари Концепциясига монандлиги туфайли сафдошимизнинг сони кун сайин ортиб бораётганида ҳам ўз аксини топмоқда. Бизнинг асосий вазирамиз эса жамиятимизда улкан ўзгаришларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, нафақат ишда, партиявий соҳада, балки ҳаётда ҳам барчага ўрнатилган ташаббусдор ва тадбиркор бўлиш орқали партияимиз ва электроратимиз нисмаларига қодир эканлигини амалда кўрсата билишидир.

Сўз ва иш бирлиги

Анвар БҲРИЕВ, Чиноз туманидаги «Шоҳиста» фирмаси раҳбари, халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутати: — Эътироф этиш керакки, халқчил йўсинда, демократик тамойиллар асосида ўтказиб келинаётган сайловларда О'zLiDePнинг улкан салоҳияти яққол намоён бўлмоқда. Чунки партияимиз сўзи билан иш бир сиёсий куч эканлигини амалда исботламоқда. Сайловчи эса депутатнинг фаолиятига қараб партияга баҳо беради.

Мен депутатликка 51-Чиноз сайлов округидан сайланганман. Утган 4 йил мобайнида ҳудудда турли масалаларга оид 50 га яқин учрашув ўтказдик. Депутатлик гуруҳимиз томонидан вилоят кенгаши сессиялари кун тартибига аҳолининг ижтимоий-иқтисодий масалалари юзасидан бир неча депутатлик суровлари киритишга эришдик. Айни пайтда улар ижроси бўйича депутатлик назорати олиб бориляпти. Чунки электрорат фақат бажараётган ишларимиз салмоғига қараб баҳо бериши ва бизга эргашганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Қишлоқдаги етакчи куч

Маълумки, Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилиш янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ер эгаларининг манфаатларини ифодалашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий жараёнинг мантиқий давоми сифатида юртимизда фермерлик ҳаракатини янги bosқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. О'zLiDeP эса ушбу дастурий ҳужжатда белгиланган вазибаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун маъсулиятни ўз зиммасига олган. Чунки қишлоқ мулкдорларини қўллаб-қувватлаш, фермер хўжалиқлари учун зарур инфратузилманинг янада ривожланишига кўмаклашиш партиянинг устувор мақсадларидандир.

Асака тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида фаолият юритаётган бошланғич ташкилотда ўтказилган давра суҳбатига ушбу масала атрофича муҳокама этилди. «Фермерлик ҳаракати — ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч» деб номланган тадбирда кўп тармоқли фермер хўжалиқлари раҳбарлари ўзаро тажриба алмашдилар. Мулоқотда замин соҳибларининг билим-малакаларини ошириш, бухгалтерия ҳисоботларини юритиш, бизнес-режалар тузиш, кредит олишлари учун қўлай шарт-шароит яратиш масалалари таҳлил қилинди. **А.МУСУРМОНОВ.**

Электрорат манфаати — бирламчи

Шўрчи тумани Фермерлар кенгашида иш бошлаган О'zLiDeP қуйи бўғини асосий эътиборни давр билан ҳамқадам бўлиш, электрорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратмоқда. Жумладан, БПТ етакчиси, кенгаш раиси Хушбоб Ишназаров ташаббуси билан яқинда бу ерда ахборот-консалтинг маркази ташкил этилди. — Президентимизнинг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш, фермерлар ва тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишлари учун қўлай шарт-шароит яратиш асосий мақсадларимиздир. — дейди марказ раҳбари Мардон Йўлдошев. — Бу эса бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлаш, солиқ ва статистика идораларига тегишли маълумотларни электрон шаклда топшириш сингари ишларни бажаришда қишлоқ мулкдорларига қўл келаяпти. Қолаверса ҳадемай фермерлар учун ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил этиш, компьютер хизматлари кўрсатишни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Янги ахборот-консалтинг марказида касб-хунаро коллежларининг 2 нафар битирувчиси доимий иш билан таъминланганлиги ҳам эътиборга моликдир. Шунинг ўзи янги БПТ дастлабки қадамларданок ўз фаолиятини самарали йўлга қўйганидан далолат беради. **Ўз мухбиримиз.**

«Alfa Maks» ташаббуси

Бугун юртимизда иш билан банд аҳолининг қарийб 75 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётди. Бу эса янги иш ўринлари яратиш, барқарор даромад манбаларига эга бўлишда хусусий сектор имкониятлари юқори эканидан далолат бермоқда. Ургут туманидаги «Alfa Maks» қўшма корхонасида иш олиб бораётган О'zLiDeP бошланғич ташкилоти ҳамда «Урамас» МФЙ ҳамкорлигида ташкил этилган мулоқот ана шу мавзуга бағишланди. Тадбирда мазкур маҳалла мисолида тегишли метърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги ижроси ҳақида сўз юритилиб, истиқболдаги вазибалар белгилаб олинди. **М.РАВШАНОВА.**

2014 йил учун ОБУНА давом этмоқда!

Мурожаат учун телефон: **(8 371) 215-63-80.**

litmoiy-siyosiy gazeta

е-mail: xalq.asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

Тадбиркорлар таассуротлари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАҲАБОВ,
«XXI asr»

Денгиз сатҳидан 424 метр баландликда жойлашган шаҳар ён-агрофини қўшиб ҳисоблаганда 9983 квадрат-километрлик худудни эгаллаган. Фарба Гуаньчжун текислиги ўраб турган бўлса, шимолий чегараларидан Вэйхэ дарёси оқиб ўтади. Иклими континенталь, йиллик ўртача ҳарорат 15 даража иллик. Бу ерда олтинга катта-кичик коп мавжуд. Шунинг учун ҳам Сянь йirik ҳажмда темир, марганец, мис, хром, олтин, вольфрам, нефрит, мармар, кварц, графит қазиб олиш бўйича стакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шаҳарда машинасозлик, электрон ускуналар, тўқимачилик ва авиасозлик саноати яхши ривожланган.



Хозирги кунда Сянь чет эллардаги 16 та шаҳар билан биродарлик алоқаларини ўрнатган. Шаҳарнинг тарихий қисмини тўқиб ўраб олган, император Мин сулоласи (1368-1644) даврида қурилган, қарийб 15 километрик қалин девор Сяньнинг ўзига хос «ташриф қоғози»дир, десак аданмаймиз. Бу ерга келган меҳмонларнинг ҳар бири энг аввало ана шу девор билан танишар экан.

Халқаро савдо-саноат кўргазма-ярмаркаси бошланишидан бери кун аввал Сяньга етиб келган тадбиркорларимиз шаҳарнинг буғунги ҳаёти ва тарихи билан танишар экан, ажиб бир ўқиналикка гувоҳ бўлишди. Сабаби айнан шу ердан «старт» олган савдо қаровонлари Буюк Ипак йўлининг қок маркази сифатида тан олинган Ўзбекистон худудидан ўтган. Улар ўна пайтаги катта-катта қарвонсаройларда қўним топишган. Савдо-сотиқ авжига чиққан. Энди эса ишбилармон юртолларимиз ўз маҳсулотларини шу шаҳарда намойиш этиб, дунёнинг 40 га яқин давлатидан келган компаниялар вакиллари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб бўйича музокара олиб бордилар.

Миллий маҳсулотларимизга катта қизиқиш билдирган хорижий ишбилармонлар билан ўтказилган ҳар бир суҳбат Ўзбекистоннинг қисқа фурсатда эришган ютуқлари, мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган шароит ва имтиёзлар, мулкдорлар ҳуқуқлари ҳимоя қилиш юзасидан амалга оширилаётган илҳомдор ҳақдорлиқ бўлиб тақалди.

— Биз билан ҳамкорлик ўрнатиш истагида бўлган кўргазма иштирокчиларига давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августдаги қарорига асосан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти ҳақида ҳам гапириб бердик, — дейди Охангарон туманидаги «Покиза-хон» ҳусусий ишлаб чиқариш корхонаси директори Зарифа Баходирова. — Юртимизнинг барча худудларида филиаллариغا эга бўлган мазкур жамғарма тадбиркорларнинг халқаро кўргазма-ярмаркаларда иштирок этиши, чет эллик ҳамкорлар топиши ва

шартномалар тузиши, хорижий давлатлар қонуналичилигига мувофиқ лицензия ва сертификатлар, турли руҳсаномалар олишида ҳуқуқий, молиявий ва танқилий ёрдам кўрсатаётгани тўғрисидаги маълумотларни улар ҳавас билан тингладди.

Очғи, табиий тоил наваларидан тайёрланган 200 дан ортиқ турдаги меьбелларимиз ҳовлимизда жойлашган корхонада ишлаб чиқарилаётгани, Ўзбекистонда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши билан берилган имтиёзлар кўргазма иштирокчиларини хайрон қолдирди. Шунинг учун ҳам Чи Че Юе, Тянь Шонг Фи сингари хитойлик тадбиркорлар инвестиция қилишни тўғрисидаги фаолиятимиз билан танишадиган бўлди.

NBU Invest компанияси таркибидagi «Хоразм гиламлари» масъулияти чекланган жамияти директори, O'zliDeP аъзоси Икром Якубов ҳам хорижий ҳамкорлар билан музокара олиб бордилар. Унинг айтишича, чет мамлакатларда азалдан дунёга машҳур бўлган Хоразм гиламларига қизиқиш жуда юқори. Жамғарма кўмагида мазкур халқаро кўргаз-

ма-ярмаркада қатнашиш орқали унбу маҳсулотларнинг экспорт жўғрофияси янада кенгайтилган бўлди. Зеро, тадбирда иштирок этган қўллаб қўллаш компания ва концернлар, саноат қорхоналари ва савдо ташкилотларининг сифатида этибор қаратилгани шундан далолат беради.

— Биз учун яратилаётган қўлай имкониятлар тўғрисида «BILLUR TEKS» қорхонасида пахта толасидан тайёрланган 4 хил маҳсулотни бутун дунёга кўз-кўз қилиб турибмиз, — дейди мазкур МЧЖ директори Владимир Ким. — Мана шу жамғарма тузилганидан, унинг бевосита кўмагида экспорт фаолиятимизни бошлаганимиздан жуда маънунимиз. Бу ерда қўллаб қўллаш хорижий ҳамкорлар топиб, экспорт шартномалари ва инвестиция битимлари тузиш бўйича дастлаб қилишувларга эришганимиз Ўзбекистонда амалга оширилаётган илҳомдорларнинг ҳаётий самараси, деб ўйлайман.

Қунига 35 тонна ип-кава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «КО'СНА ТЕКСТИЛ» қорхонаси директорининг ўриибосари Сергей Пак ҳамроҳининг фикрларини тасдиқлар экан, 1300 кишилик жамоанинг асосий қисmini ёшлар ташкили этилиши, улар ишлаб чиқариётган маҳсулотларнинг 80 фонзи Хитой, Туркия ва

Россияга экспорт қилинаётганини таъкидлади. Кўргазма давомида эса «Шанань» компанияси «КО'СНА ТЕКСТИЛ»га фойдали таклифлар билан чиқди. Бу ҳам қорхона маҳсулотларининг сифатидан дарак бериб турибди. Зотан, хитойликларни тўқимачилик маҳсулотлари билан қойил қолдиришни ўзи бўлмади.

Тўрт кун давом этган савдо-саноат ярмаркасида ўз хизматларини видео орқали намойиш қилган, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «CITY PALACE» меҳмонхонаси директори Бахтиёр Юлшев «ZARA» халқаро сайёҳлик компанияси раҳбари Тянь Ши билан Ўзбекистонга туристларни олиб келиш бўйича истиқболли шартнома имзолади.

— Меҳмонхонамиз ўз имкоиятлари ва хизмат кўрсатиш савияси бўйича юқори ўрилларда туради, — дейди у. — Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкилотчилигида мана шу тадбирга келганимиз тўғрисида хорижий ҳамкорларимиз янада қўлайлигини айтди.

Кўргазмада иштирок этган тадбиркорларимиз истиқболли шартномалар тузиш билан бирга, олиб келинган маҳсулотларни шу ернинг ўзига эркин муомиладаги валютага сотгани ҳам қувватланди.

Тошкент-Пекин-Сянь-Тошкент.

Ишбилармонлар ҳўжалик судига бориши шарт эмас

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЖАДАЛ СУРЪАТЛАР БИЛАН ҲАЁТИМИЗГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР, ХУСУСАН, СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ХАМ ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПИБ, ЮРТИМИЗДА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИНГ ЯНАДА ЯХШИЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Бехзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судига бўлиб ўтган матбуот анжуманида таъкидланганидек, Президентимизнинг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорлик кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Суд тизими ҳодимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳўжалик судлари фаолиятига янги тегишли бўлишни жорий этиш борасида ишларни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши.

лидан бир қатор ҳусусийлар билан фарқланади. Чунки, тадбиркорлик субъектлари вакиллари Олий ҳўжалик судининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган тегишли шакллари тўлдириб, рес-

20000 таши ташкил этигани ҳусусий сектор вакиллари мазкур имкониятлардан кенг фойдалана бошлаганликларини кўрсатиб турибди. Тизимда электрон ҳужжат айланиши, шунингдек, ҳужжатлар ижроси

Тизимда электрон ҳужжат айланиши, шунингдек, ҳужжатлар ижроси устидан назорат олиб борилишини таъминловчи марказлаштирилган электрон маълумотлар базаси ишга туширилгани қулайликлар қўламини янада оширди.

публиканинг исталган ҳўжалик судига даъво аризаси, шикоят ва илтимосномаларни электрон шаклда юбориш ҳуқуқига эгадирлар. Зеро, Ҳўжалик процессуал кодекснинг 1-моддасида мурожаат ва уша илова қилинадиган ҳужжатлар ҳўжалик судига ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Тадбиркорлик субъектлари нафақат ҳўжалик судларининг биринчи инстанциясида, балки апелляция, кассация ва назорат инстанцияларига ҳам электрон шаклда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Олий ҳўжалик суди расиси ўриибосари Ш. Саидовнинг айтишича, ҳўжалик судлари томонидан 2013 йил давомида 1805 та, жорий йилнинг шу пайтигача эса 15000 га яқин мурожаат ва уларга илова қилинадиган ҳужжатлар электрон шаклда қабул қилиниши, суд муҳокамаси иштирокчиларига электрон воситалар билан юборилган маълумот ва суд ҳужжатлари ўтган йилда 1580 таши, шу йилнинг 5 ойи мобайнида эса қарийб

устидан назорат олиб борилишини таъминловчи марказлаштирилган электрон маълумотлар базаси ишга туширилгани қулайликлар қўламини янада оширди. Бундан ташқари, ҳўжалик судлари фаолиятига суд мажлисларини видеоконференция усулида ўтказиш амалиётини жорий этиш борасида ҳам илҳом иш олиб борилаётган.

Тадбирда иштирок этган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Дьердь Сабо мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, олий қарият сифатида эйтироф этилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рўйбога чиқариш, тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш, судлар фаолияти-нини очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий савдо-халт-хабарларини юбориш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятли эканлигини қайд этди.

БОЖХОНА НАЗОРАТИ

Ноқонуний ҳатти-ҳаракатларга чек қўйилди

Маълумки, мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспортини амалга ошириш учун барча имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилган. Шундай бўлса-да, айрим «учар тадбиркорлар» юртимизда етиштирилган сара маҳсулотларни четга ноқонуний равишда олиб ўтиб, мўймай даромад орттиришга уринмоқдалар.



Хусусан, яқинда «Фаргона» чегара божхона пости ҳодимлари томонидан республикамиздан қўшни давлатга чиқиб кетаётган юк автоулови текширилганида, унинг эгаси М.Салиев 2,5 тонна пиезни экспорт қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз чегарадан олиб ўтаётгани маълум бўлди.

Яна бир ҳолатда мазкур пост орқали Э.Раҳмоннинг ўз автоуловига оғирлиги салкам 500 кг. бўлган ҳар хил турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини тегишли ҳужжатларсиз олиб чиқиб кетаётганида тўхтаиб қолди.

«Келес» темир йўл божхона пости ҳодимлари эса хорижга кетаётган поезд йўловчиларини божхона назоратидан ўтказганида фуқаролар М.Одильхон ва О.Тойболтаевага тегишли юклар орасида божхона баённомасида қайд этилмаган ва озғани суровда маълум қилмаган 100 кг дан зиёд лимон ва қуқатлар борлиги аниқланди.

Айни пайтда ушбу ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоиз: жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 181 та қонунбузарлик ҳолатида қиймати 991,1 млн. сўмлик 944,4 тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати.

Болтиқбўйида логистика марказимиз бўлади



Мамлакатимизнинг етакчи компаниялари ўзaro ҳамкорликда Болтиқ денгизи бўйидаги порт шаҳар — Лиена (Латвия) худудида бир-кеча кундузда 1,5 минг тонна юкни қабул қила оладиган транспорт-логистика марказини барпо этишни режалаштиришди.

Мазкур марказнинг ташкил этилиши Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини ана шу бандаргоҳ орқали Шимолий ва Ғарбий Европага етказиш имкониятини беради.

Шу ўринда ҳозир Ўзбекистон қарий 180 турдаги янги етиштирилган ва қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларини дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилаётганини айтиб ўтиш мумкин.

Ш.ҲЎЖАЕВ.

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДРОН ДУТИБ!

«Билим ҳам хўнар ол, қадрла уни, Билим-ла хўнар ҳам қадрлар сени».

Юсуф Хос ҲОЖИБ.

УЧИНЧИ СЕКТОР

Ҳамкорлик меморандуми имзоланди

Жиззахда Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан «Ижтимоий шерикликнинг шакл ва механизмининг тақомиллаштириш, худудий ННТларнинг ривожланиш самарадорлигини ошириш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда давлат органлари ва ННТлар ўртасидаги ижтимоий шерикликини мустақамлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга таъбиқ этиш жараёниларига ННТларни жалб этиш масалалари хусусида фикр алмашилди.

— Олий Мажлис ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий кўмагида амалга оширилаётган мазкур лойиҳалар доирасида фойдали мулоқотлар ўтказиш яхши аниёнага айланиб бормоқда, — дейди лойиҳа координатори Ортиқхўжа Норов. — Улар худудий ННТлар фаолиятини қучайтириш, моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар ўртасида ижтимоий шерикликини ривожлантириш долзарб масала эканлигига ургу берилди. Шу бос ижтимоий шерикликнинг амалдаги шакл ва механизмининг янада тақомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилиб, тавсиялар тақдим этилди.

Икки кун давом этган тадбир сўнигида Жиззах вилоят ҳоқимлиги ва Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Ресурс маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Р.МАДИЕВА.

Маҳалла ва матбуот

Пойтахтимиздаги «Shodlik Palace» меҳмонхонасида Ўзбекистон мустақил ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан «Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида маҳалланинг ролини янада қучайтириш масалалари» мавзуига бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди мутахассислари, соҳа экспертлари, босма нашрлар вакиллари иштирок этган тадбирда вилоят, шаҳар, туман миёсидаги газета ва журналлар ҳодимларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, маҳалланинг ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, манзилли ижтимоий ёрдам бериш, жойлардаги давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати каби кўламли ваазифалари хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Айни пайтда мамлакатимизда 10 миңдан зиёд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда. Мустақиллик йилларида катта мавқега эга бўлган мазкур институт фаолиятини тартибга солишчи «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва «Фуқаролар йиғини раис (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуналар, ўнлаб меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, зарур тақилоий-ҳуқуқий асослар яратилгани бос маҳалланинг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва роли йил сайин ошиб бормоқда.

Икки кунлик семинар давомида журналистларга маҳалла фаолиятини тартибга солишчи қонунийлик базаси, унинг ривожланиш тенденциялари тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. Тақрибли журналистлар кенг жамоатчиликка ахборотни қандай шаклда, тезкор ва мазмунли тақдим этиш борасидаги мулоҳазалар билан ўртоқлашдилар.

А.МУЗАФФАРОВ.

Ноёб лаборатория «чиқиндилари»

Сунъий йўлдошлар бир кун келиб глобал муаммога айланиши ва башариятга қутилмаган «совфа»ларни туҳфа қилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Бундан 200 йил муқаддам файласуфлардан бири инсоннинг билиш доираси чекланган, у ҳеч қачон фазони тадқиқ қила олмайди, дея таъкидлаган эди. Лекин 1957 йилнинг 4 октябрида Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирлиши жаҳон аҳлини хайратга содди. Маълумотларга қараганда, бу улар сови 6 мишдан ошиб кетган. Орадан муайян вақт ўтган, одам оёғи Ойга ҳам етди.

Одатда бирор янгилик қабул қилинганда унинг шахс, жамият ёки давлат учун қандай наф келтириши, мақсад ва вазифалари оммага ошқор этилавермайди. Жумладан, Ернинг биринчи сунъий йўлдошлари учирли бошланганда коинотни тадқиқ қилиш халқ хўжалиги учун нималар бериши кўпчиликка равишан эмасди. Эндилки эса кўплаб олим ва муҳандислар айни шу мақсадда излашни олиб бормоқдалар.

Уттан асрнинг 60-йилларига келиб коинот жумбоқларини ечиш ва космик техникадан инсон манфаатлари йўлида фойдаланиш жараёни янги босқичга кўтарилди. Бугун мазкур технологиялар метеорология, телевизион ва радиолока соҳаси тараққий этиб келмоқда. Фойдаланиш қавимларини излаш, геодезия ва картография ишларини амалга оширишда ҳам кенг қўлланилган.

Хулас, коинот сирларини ўзлаштириш ўта муҳим аҳамият касб этиб, фазо Ер шароитида амалга ошириб бўлмайдиган ишларнинг ноёб лабораториясига айланган.

Соҳа муҳассисларининг фикрларига кўра, жуда юқори аниқлик билан Ернинг гравитацион майдонини ўлчаш хусусиятига эга бўлган сунъий йўлдошлар кўплаб янгиликларга эшик очмоқда. Масалан, АКШнинг Толедо университети олимлари Ричард Беркер ва Кирк Змиевски NASA (Америка миллий аэронавтика ва фазо агентлиги) ҳамда «GRACE» спутнигиндан олинган маълумотлардан фойдаланиб, Орол денгизини ҳудудидан

гити сўнги 30 йилдаги ёғингарчиликлар миқдорини аниқлашди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, агар Орол 2003 йилда 14 куб километр сув йўқотган бўлса, 2012 йилга келиб вазиет бир мунча яхшиланган. Сўнги 30 йилда ҳудуддаги ёғингарчиликлар у қадар кўп ўзгармаганини сабабли олимлар сув қамалганини бугунги жараёни билан боғлашмоқда. Нима бўлганда ҳам мазкур излашлар Орол денгизни қуриши секинлаштираётганини тасдиқламоқда.

Шу ўринда кейинги пайтларда сунъий йўлдош орқали ишлайдиган GPS (Global Positioning System) навигация уйсунасига алоҳида урғу берилётганини айтиб ўтиш лозим. Компаснинг янги авлоди, дея таърифланаётган бу қурилмалардан ҳарбий соҳа ва автомобиль соҳасида ағча йиллардан бери фойдаланиб келинади. Ушбу қулайликлар туфайли бугун оддий фуқаролар учун ҳам GPS қабул қилгичлар ишлаб чиқарила бошланди. Бундай восита бир вақтнинг ўзида бир нечта йўлдошдан сигналлар қабул қилиш хусусиятига эга бўлиб, усунга ичига ўрнатилган махсус компьютер дастури сунъий йўлдошлардан келган сигнал йўналишига қараб ўзини турган жойини ҳисоблаб чиқарилади. Агар унга муайян манзил координати киритилса, дисплейда ўша манзилга бориш йўналиши пайдо бўлади.

Кези келганда, фазони ўзлаштириш ҳарбий-сиёсий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Унда алоқа ва химоя тизимлари ўта муҳим бўлиб, Ер саноатида бундай мудофаа техникасини яратиш имконияти ҳозирча мавжуд эмас. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бундай тизимлардан маълум сиёсий доиралар ёки давлатларнинг «гараз нияти» фойдаланишига йўл қўймастик керак. Сунъий йўлдошлар фақат эзу мақсадларга хизмат қилмасин.


Айни пайтда мазкур соҳага дунёнинг кўплаб мамлакатлари жуда катта миқдорда маб-

лағ ажратилган. Таҳлилчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, фазовий тадқиқотларга 2004 йилдан буён салкам 300 млрд. доллар сарфланган. Турли космик агентликлар ҳам бу борада ортда қолишмайпти. Хусусан, АКШнинг «Space Shuttle» компанияси кейинги 40 йилда космик илустри учун 210 млрд. доллар сарфлаган бўлса, Халқаро фазо маркази мазкур кўрсаткичга 157 млрд. га олиб чиқди. Ана шу рақамларнинг ўзидан шундай ахборот алашнинг тизимини яратиш мақсадида 1957 йилда фазога учирилган Ернинг биринчи сунъий йўлдошидан кейинги ўзгаришлар бутунга келиб айрим мамлакатларда геосиёсий ва геониктосидий аҳамият касб этаётганини кўрсатиб турибди.

Соҳани моливий кўлабқувватлаш баробарида унда банд бўлган ходимлар сопи ҳам йил сайин ортга бораётган. Масалан, Американинг авиакосмик соҳасида ҳозирги кунда 11 млн. дан ортга кўпайиб кетган. Шу билан бирга, бу мамлакатда авиакосмик маҳсулотлар экспортини ҳам жадал ривожлантипти. Биргина 2010 йилда унинг ҳажми 80,5 млрд., импорт ҳажми эса 27,2 млрд. доллардан ошган.

Танганинг иккинчи томони бўлганидек, бундай тадқиқотлар оқибатида коинотда фазовий чиқиндилар ҳақдан ташқари кўпайиб бормоқда. Россиянинг Келдиш номидаги амалий математика институти бош илмий ходими Владимир Агаповнинг хулосаларига кўра, бугун Ер атрофида 3,5 миллиондан зиёд космик жисмлар, яъни ракетақаларнинг синган қолдиқлари, эски сунъий йўлдошлар, фазовий аппаратларнинг майда парчалари айланган юрибди.

Улар соҳага 28 миң километр тезликда эса коинотда содир бўлган икки воқеа вазиетини янада чигалантириб юборди. — дейди астрофизик Дональд Кесслер. — Яъни, 2007 йили Хитойнинг сунъий йўлдоши қарши ишлаб чиқарган қурилмини синаб кўриш чоғида эски метеорологик зонд йўқ қилиниши оқибатида орбитада 150 миңга яқин



қолдиқ пайдо бўлди. Демак, келажакда орбитада чиқиндиларга айланган космик кема қолдиқларининг Ерга ёғирдек ёғиш хавфи борлигини ҳам унутмаслик лозим.

Яқинда Мексика оммавий ахборот воситалари Ерга галактик бир объект тушгани ҳақда хабар берган эди. Юқатан ярим ороли аҳолисини хавотирга солган ушбу номълум жисм тезда ўрганилди. Мерида технология институти мутахассислари қолдиқларни таъкидлашди. Бундан ташқари, 2011 йили Ерга оғирлиги олти тонна бўлган «NASA UARS» йўлдоши ҳамда орадан бир йил ўтиб, Россиянинг ўн уч тонналик «Фобос-Грунт» аппарати қулаганини ҳам эслаб ўтиш керак.

Маълумки, Ер шарига магнит майдони мавжуд бўлса-да, у қандай қўришда экани ҳали исботланмаган. Халқаро фазо маркази маълумотларига эса бир гуруҳ астрофизик олимлар томонидан буни сунъий йўлдош орқали аниқлашга

киришилгани айтилган. Сўнги йилларда орбитага учирлаётган сунъий йўлдошлар ҳам айнан ана шу мақсадга, яъни спутниклар орқали Ернинг магнит майдонини ҳақиқат маълумотларни жамлашга алоҳида эътибор қаратишти. Шунингдек, магнит бўронлари давомиди Ерда қандай унсурлар юзага келиши ҳам диққат-эътибордадир.

Хулоса қилиб айтганда, башарият ўз тараққиёти давомида глобал аҳамиятга эришган молик воқеа-ҳодисаларга тобора кўпроқ рўбарў келмоқда. Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилганда космос халқ хўжалиги учун қандай наф келтириши қоронғу эди. Аммо орадан йиллар ўтиб, унинг фойдаси бекиёс экани ойдинлашди. Лекин унинг инсоният бонига қандай синовларини олиб келиши ҳозирча сирлигина қолмоқда. Учирилган сунъий йўлдошлар бир кун келиб глобал муаммага айланиши ва башариятга қутилмаган «совфа»ларни туҳфа қилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Масалан, Американинг авиакосмик соҳасида ҳозирги кунда 11 млн. дан ортга кўпайиб кетган. Шу билан бирга, бу мамлакатда авиакосмик маҳсулотлар экспортини ҳам жадал ривожлантипти. Биргина 2010 йилда унинг ҳажми 80,5 млрд., импорт ҳажми эса 27,2 млрд. доллардан ошган.

VOQEALAR, SHARHLAR, DALILLAR

Тошқин чемпионатга таъсир қилмайди

Бразилиянинг Парана штатида кузатишган сув тошқинлари натижасида туққиз киши ҳалок бўлди. Таъкидлаш жоизки, ушбу шат маркази — Куритиба шаҳрида бугун футбол бўйича жаҳон чемпионати учрашувларига оид бўлиб келди. Эслатиб ўтамиз: шаҳардаги «Арена Байшада» стадионида Нигерия — Эрон, Испания — Австралия, Россия — Жапон учрашувлари бўлиб ўтади.



Маълумотларга қараганда, сув тошқинлари оқибатида асосан штатнинг марказий қисмида истиқомат қилувчи 48 миң киши жабр кўрган. Куритибада ҳам кучли ёғин кузатишган, бироқ шаҳарда жиддий талафотлар рўй бермаган. Штат губернатори Бето Ричарднинг маълум қилишига, табиий офатдан 70 та муниципалитет зарар кўрган. Шу боис ҳукумат ушбу ҳудудларда факултада ҳолат эълон қилишни режалаштирмоқда.


Партия АЭСларга қарши



Япониянинг Сига префектураси эзри Юкико Када ташаббуси билан тузилган «Келажакдаги Япония» партиясининг бошқарувида фарқи у антиядрорий гояларни олға сураётганидир. Ҳозирча кадрлар захираси, платформаси,

дастури, малакеси тўла шаклланмаган бўлса-да, мутахассислар партиянинг келажаги порлоқ эканлигини таъкидлашмоқда. «Фукусима-1» ҳалокатидан жабр кўрган ва умуман олганда атом қурулларидан доимий қўрқувда бўлган аҳолининг манфаатларини ўз гояларига ақс эттиратган «Келажакдаги Япония» партияси атом электрстанцияларининг қурилишига қарши эканлигини ҳам билдирган.

Қулф кўприк қулаб тушди



Хабарларга қараганда, Париждаги панжараларига турли ранг ва қўринидаги қулф осиб кетилмаган машур Санъат кўприги шинавандалар томонидан осилган қулфларнинг эалворидан қулаб тушган. Таъкидлаш жоизки, бу ерга ташир буюрган сайёҳнинг ҳар бири «муҳаббат қулфини» осиб кетиши қанда қилмайди. Бу одат тусига кирган, десак адашмаймиз.

Кузатувчилар панжара кўпригининг ички қисмига қулагани туфайли сайёҳларга зарар етмаганини маълум қилишган. Агар у дарёга қулаганда, одамларга зиён етказиши мумкин эди. Кўприк устидаги сайёҳлар зудлик билан эвакуация қилинган.

Хуан Карлос тахтни ўғлига топширади




76 ёшли Испания қироли Хуан Карлос тахтни ўз ўлига бўшатиб беришга қарор қилди. Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига қараганда, қирол бу ҳақда Испания қироллиги саройи бошқарувчиси Рафал Спотторнога маълум қилган.

Испания қироли ўз қарорини «Менинг ўғлим шахзода Карльз каби тахтга ворисликни кутиб қолишни истамайман», дея изоҳлаган. Таъкидлаш жоизки, Елизаветта II дан сўнг Буюк Британия тахтига ўтириши керак бўлган 65 ёшли шахзода Карльз айни пайтда мамлакат тарихидаги энг кекса ворис бўлиб турибди. Жорий йилнинг 18 июнь кунини Испания парламенти шахзодага ваколатни топшириш тўғрисидаги қонунни кўриб чиқиши кутимокда. Бир кун ўтиб эса Филиппе VI тахтга ўтириши мумкин.

ЭЪЛОН

КОРХОНА МЕНЕЖЕРЛАРИ УЧУН ЕВРОПАДА МАЛАКА ОШИРИШ ДАСТУРИ



Management Training Programme

MTP

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган «Менежментга ўқитиш дастури (МўД) — Ўзбекистондаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари раҳбарларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш» лойиҳаси (қуйида Лойиҳа деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ЕИ компанияларида Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналари менежерлари малакасини ошириш учун аризалар қабул қилишни эълон қилади.

Малака ошириш Европа Иттифоқининг 28 мамлакатидagi компанияларда амалга оширилиб, улар ўзаро келишув асосида иштирокчилар ёки лойиҳа томонидан танланиши мумкин.

Лойиҳанинг асосий мақсади — Ўзбекистонда кичик бизнесни самарали бошқариш ва унинг узок келажакдаги барқарор ривожланишини таъминлашга қодир малакали ва салоҳиятли тадбиркор ҳамда менежерлар сонини кўпайтиришдан иборат. Бу босқичда қўйилган мақсадга эришиш учун Европа компанияларида Ўзбекистондаги кичик бизнес раҳбарларининг малакасини ошириш орқали лойиҳа уларни ўқитишнинг амалга оширилади.

Малака ошириш дастури лойиҳасининг мақсади ўзбекистонлик менежерларнинг бошқарув кўникмаларини ошириш, уларни бизнесни бошқариш ва юртишнинг европада усулларига ўқитиш. ЕИ ва Ўзбекистон компаниялари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнаштиришдан иборат. Номзодлар сизга алоқаларини ўрнаштириш мақсадини аниқ кўрсатиши ҳамда бу унинг ҳамда компаниянинг ривожига қандай ижобий таъсир кўрсатишини қайд этиши лозим.

Танланган иштирокчилар учун лойиҳа тренинг ва стажировкаларида иштирок этиш бепул амалга оширилади. Транспорт билан боғлиқ борча харажатлар (авиабилет учун 400 евро миқдоридан шақсий тўловдан ташқари), шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатларида жойлаштириш, визалар, суурта лойиҳа маблаглари эвазига қопланади.


Барча талабларга жавоб берадиган кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарлари, менежерларининг малака ошириш учун ариза топшириш ҳуқуқига эга.

АРИЗАЛАРНИ ТОПШИРИШ МУДДАТИ:
Номзодларнинг аризалари 2014 йилнинг 30 июнига қадар қабул қилинади. Аризанинг расмий шакли МўД лойиҳасининг расмий сайти (www.mtreu.uz)да жойлаштирилган. Сўров шаклини тўлдиргандан сўнг номзодлар аризанинг имзаланган ва сканер қилинган нусхасини қўшимча зарур ҳужжатлар билан бирга mtr@mtru.uz электрон манзилга юборишлари лозим (нусха mtru.uz@gmail.com та).

Қуйидаги шартларга эътибор қилинади ва лойиҳа шартларини қўшимча ҳужжатлар келтирилади:


1. Компания рўйхатдан ўтказилган ҳисоб-китоб ва ишом ҳужжатларининг сўнги талқини;
2. Компаниянинг солиқ орқали олишга ҳеч қандай мажбурият йўқлигини тасдиқловчи сертификат;
3. Пул маблағларининг йиллик айланмаси ва сўнги икки йил (2012 ва 2013) учун муқаб даромад миқдорини тасдиқловчи сертификат(лар);
4. Компаниянинг қадрлар бўлимидан ишчилар сонини тасдиқловчи маълумотнома;
5. Номзодларнинг нусхаси;
6. Олий маълумот қасдидаги дипломи нусхаси;
7. Мумкин меҳнат стаж 6 йилдан кам эмаслигини тасдиқловчи сертификат(лар);
8. Компания қадрлар бўлимидан номзоднинг мавқен ва 2 йиллик бошқарув таърибасини тасдиқловчи сертификат(лар) (қамла 3 та ҳисобдор шахсини кўрсатган ҳолда).

Сўров шакли босма нусхасининг имзаланган асл нусхалари ва қўшимча ҳужжатлар 2014 йил 30 июнига қадар Ўзбекистон, Тошкент шаҳри-100047, Амир Темуру шох кўчаси, 4-манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Management Training Programme» лойиҳасининг офисига юборилиши лозим.



Кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарларини танлаш жараёни ва мезонлари ҳақидаги батафсил маълумотни Лойиҳанинг www.mtreu.uz сайти ҳамда (+99871) 150-60-06, 233-59-01 телефонлари орқали олиш мумкин.

Махсус изоҳ: Танлов жараёни гендер тенглиги масаласини ҳисобга олган ҳолда қамда 20% аёл номзодни танлаб олишни кўзда тутуди. Хизматлар лицензияланган



O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

Ўзбек жанг санъати европалик продюсерлар нигоҳида

Пойтахтимиздаги Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш марказида европалик мутахассислар томонидан ўзбек жанг санъати ҳақида суратга олинган видеофильмнинг тақдироти бўлиб ўтди



Соллик ЗОИР олган сурат

Шухрат ХЎЖАЕВ, «XXI asr»

Шу муносабат билан уюштирилган матбуот анжуманида бугунги кунда мамлакатимизда мазкур спорт тури билан мунтазам шуғулланаётганлар сони 40 мингдан ошгани, 2009 йилда ташкил этилган Ўзбек жанг санъати федерацияси ўтган давр мобайнида Жаҳон миллий жанг санъатлари уюшмаси, Жаҳон яккакураш спорт турлари ташкилоти, Халқаро жанг санъатлари ассоциацияси

каби нуфузли ташкилотларга аъзо бўлгани, халқаро мусобақаларда иштирок этган яккакурашчиларимиз совринли ўринларни қўлга киритгани таъкидланди.

Хусусан, ўтган йилнинг март ойида Франция пойтахтида ўтказилган анъанавий XXIX Шарқ яккакурашлари фестивалида қатнашган миллий федерациямиз вакиллари 40 та иштирокчи-дават орасида 2 ўринни эгалладилар.

Эътиборлиси, ҳамюртларимизнинг Париждаги ана шу чиқишларига юқори баҳо берган кўп сонли мухлис мутахассислардан бири, германилик продюсер Марио Масберг ўзбек жанг санъати ҳақида видеофильм суратга олиш таклифи билан чиққанди. Кўп ўтмай, ушбу лойиҳа франциялик каратэ устаси, «MDV Production» компанияси директори Сирил Гиене бошчилигидаги ижодий гуруҳ томонидан ҳаётга татбиқ этилди.

Тошкент вилоятининг сўлим табиат гушалари, Самарқанд ва Бухородаги тарихий қадимжоларда суратга олинган видеофильм орқали спортсевар мухлисларга ўзбек жанг санъати тарихи, яккакураш техникаси, мусобақа тартиб-қоидалари ҳақида батафсил маълумот беришга ҳаракат қилганмиз, — дейди Ўзбек жанг санъати фе-

дерацияси президенти Пулат Усмонов. — Мазкур фильм ўзбек жанг санъатини халқаро микёсда кенг оммалаштиришга хизмат қилиши табиий. Ўз навбатида икки қисман иборат бу фильмнинг инглиз, немис ва француз тилларидаги вариантларини видео-материаллар соғувиға ихтисослашган amazon.com сайтыга жойлаштириш режалаштирилганини айтиб ўтиш лозим.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбек жанг санъати федерацияси томонидан халқаро тузилима ташкил этишга қаратилган ишлар қизғин олиб борилаётгани, айнан ана шу мақсадда мазкур спорт турига қизиқиш билдираётган АҚШ, Бангладеш, Покистон, Россия, Франция, Филиппин, Ҳиндистон каби давлатларга янги видеофильмнинг нусхаларини жўнатиш кўзда тутилаётгани айтиб ўтилди.

ХИЗМАТ ИЗЛАГАНГА ХИЗМАТДОР ДУНЁ:

«Ёшлиқда ҳаракатинг қанча зўр бўлса, кексайганда қувонасан ўшанча».

Махмуд ҚОШҒАРИЙ.

Дарахт кучоқлаш рекорди янгиланди

Непалда икки мингга яқин киши дарахтларни кучоқлаган ҳолда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини нишонлаш билан бирга Гиннеснинг Рекордлар китобига кириш имкониятига эга бўлди. Маълумотларга кўра, мамлакат пойтахти — Катманду яқинидаги истироҳат боғида бўлиб ўтган байрамда маҳаллий парламент аъзолари, ҳукумат вакиллари, талабалар иштирок этган. Тадбирдан сўнг ташкилотчилар ушбу воқеа акс эттирилган суратлар ва видеофайллари Гиннеснинг Рекордлар китоби маъмуриятига жўнатган. Шу ўринда дарахтларни кучоқлаш бўйича ўрнатилган аввалги рекорд 2013 йил АҚШнинг Портленд (Орегон штати) шаҳрида қайд этилганини айтиб ўтиш жоиз. Ушунда 936 нафар табиатсевар биттадан дарахтни бағрига босган ҳолда суратга тушганди.



ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ

«Новза» пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги энг обод ва гавжум маҳаллаларидан бири. Бу ерда меҳр-оқибатли, кўпчиликка намуна бўладиган, обрў-эътиборга лойиқ оилалар ҳам талайгина. Шулардан бири Азиза Фуломова бена бўлган хонадондир.

1984 йили Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тугатган Азиза опа узоқ йиллар тикувчилик билан шуғулланди. Мустақиллик шарофати билан хусусий тадбиркорликка йўл очилгач, «Азиза Сайфи қизи» корхонасига асос солди. Айни пайтда бу ерда 35 нафардан ортиқ малакали тикувчи меҳнат қилади. Азиза опа O zLiDeP фаоли сифатида либерал ғояларни тарғиб қилиш, ёш тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Корхона қошидаги БПТнинг 15 нафар аъзоси жамоат ишларида фаол иштирок этиб келаётир.

Файзли хонадон эгалари Азиза опа ва Ҳасан ака эл қорига ярайдиган 3 нафар ўғилни тарбиялаб, вояга етказди. 9 нафар меҳрибон невара бобоси ва бувиси ардоғида улғаймоқда.

«БРАЗИЛИЯ-2014»

Бугун жаҳон чемпионати бошланади

Тошкент вақти билан пайшанбадан жумага ўтар кечаси — соат 01:00да (маҳаллий вақт билан 12 июнь куни соат 17:00да) Сан-Паулу шаҳридаги «Арена Коринтианс» стадионида бошланадиган Бразилия ва Хорватия терма жамоалари иштирокидаги учрашув билан футбол бўйича XX жаҳон чемпионати старт берилди

Шу тариқа Бразилия нуфузли мусобақани иккинчи марта қабул қилган бешинчи мамлакатга айланади. Зеро, бунга Мексика, Италия, Франция ва Германия мундиални икки мартадан ўтказиш имкониятига эга бўлган. Бразилия эса бундан аввал жаҳон чемпионатида 1950 йилда мезбонлик қилганди.

32 терма жамоа қатнашадиган мазкур турнирнинг мукофот жамғармаси айни кунда 576 млн. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бу эса 2010 йил ЖАРда ўтказилган жаҳон чемпионатидаги мукофот пулларига (420 млн. доллар) нисбатан 37 фоиз кўйдир. Маълум бўлишича, «Бразилия-2014» мусобақаси голиби 35 млн. доллар билан тақдирланса, иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларига тегишли равишда 25 ва 22 млн. доллардан тегади.

Тўртинчи ўринни олган терма жамоага 20 млн., чорак финалчиларга эса 14 млн. доллардан берилди. 1/8 финалга қадар етиб борган жамоалар 9 млн. доллардан ишлаб олса, мусобақадаги иштирокини гуруҳда яқунлаган термалар ўз рағзаларини 8 млн. доллар билан бойитди.

Эътиборли томони шундаки, бу галли мундиалнинг финал босқичида шу кунга қадар жаҳон кубогини қўлга киритган 8 та (Бразилия — 5 марта, Италия — 4 марта, Германия — 3 марта, Уругвай ва Аргентина — 2 мартадан, Англия, Франция ва Испания — 1 мартадан) терма жамоанинг барчаси иштирок этади. Босния ва Герцеговина термаси эса мазкур жаҳон чемпионатида дебютини нишонлайдиган яккаю-ягона жамоадир. Тўғри, бу борада болжонликларга Ўзбеки-

стон терма жамоаси шерик бўлиши мумкин эди. Бирок мухлисларнинг хабарлари бор: саралаш босқичининг сўнгги босқичини жуда яхши бошлаган Миржалол Қосимов шогирдлари, афсуски, охириги ўйинларда тайёр йўлланмаларни Эрон ва Жанубий Корея терма жамоаларига топшириб қўйдилар...

Хўш, навбатдаги мундиал бош соврини ва 35 млн. доллар миқдоридagi мукофот қайси жамоага насиб этади? Букмекерлик компанияларнинг таҳминича, даъвогарлар рўйхатининг биринчи поғонасини мезбонлар банд этиб турган бўлса, кейинги ўринларни Испания, Германия ва Аргентина терма жамоалари эгаллаган. Бундан ташқари, Италия, Голландия, Бельгия, Уругвай, Англия ва Франция миллий жамоаларининг имконияти-

лари ҳам нисбатан юқори баҳоланмоқда.

32 кун давом этадиган «ЖЧ-2014» доирасидаги 64 та учрашув мамлакатнинг Бразилия, Рио-де-Жанейро, Сан-Паулу, Белу-Оризонти, Куяба, Куритиба, Форталеза, Манаус, Натал, Порту-Алегри, Ресифи ва Салвадор каби 12 та шаҳрида янгидан қурилган ёки тўлиқ реконструкция қилинган ўйингоҳларда бўлиб ўтади.

Ўз навбатида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Спорт» телеканали томонидан тўғридан-тўғри эфирга ўстириладиган мусобақа ўйинларидан хакамлик қилиш учун Бразилияга йўл олган 25 нафар рефери орасида ҳамюртимиз Равнан Эрматов ҳам борлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўз мухбиримиз.

РЕКЛАМА

«ФАРОВОНЛИК»

ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ

AGROBANK

2014 йил 20-21 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ

Тошкент шаҳрида

ўтказиладиган ютуқлар тиражида ўз омадингизни синаб кўринг.

10 дона

10 дона

10 дона

5 дона

5 дона

625 дона

625 дона

1725 дона

625 дона

625 дона

113 735 та пул ютуқлари

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

ПОТЕРЕЯ БИЛЕТНИНГ НАРХИ — 5000 СЎМ

потеря билетларини нақа пулга ёки пул ўтказиш йўли билан банкнинг барча филиалларидан сотиб олишингиз мумкин.

Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари:

Қоракалпоғистон Республикаси (8-361) 222-16-77	Қашқадарь вилояти (8-375) 771-15-60	Сурхондарь вилояти (8-376) 770-81-48
Андижон вилояти (8-374) 228-46-20	Наманган вилояти (8-369) 223-19-32	Сирдарё вилояти (8-367) 221-01-50
Бухоро вилояти (8-365) 223-85-53	Навоий вилояти (8-436) 770-35-49	Фарғона вилояти (8-373) 224-08-41
Жиззах вилояти (8-372) 226-25-33	Самарқанд вилояти (8-366) 229-34-73	Хоразм вилояти (8-362) 770-57-00

Ютуқлар тасодифий аниқлаш тамойили асосида махсус потерея жиҳозларидан фойдаланган ҳолда аниқланади. 100 000 сўмгача бўлган ютуқлар 1 банк иш кунида, 100 000 дан юқори бўлган ютуқлар (билетларнинг экспортга хужусаси олинган кундан бошлаб) 1 ой ичида берилди. Ютуқли билетлар тираж ўтказилган санадан бошлаб 100 кун давомида қабул қилинади ва ушбу муддат ўтгандан сўнг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади. Баланс ўшига етмаганлар потереяда иштирок этиш тақиқланади.

Хизматлар лицензияланган

3AZ FORZA

Автомобили для жизни!

Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)

www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.